

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАХМАТУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗХОН ШУХРАТОВНА

«ИЛМ-МАЪРИФАТ» СЕМАЛИ ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ВА ТАРИХИЙ-ФУНКЦИОНАЛ
ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Рахматуллаева Дилафрузхон Шухратовна

«Илм-маърифат» семали луғавий бирликларнинг структур-семантик
ва тарихий-функционал тадқиқи 3

Рахматуллаева Дилафрузхон Шухратовна

Структурно-семантическое и историко-функциональное исследование
лексических единиц с семой «наука и
просвещение» 23

Rakhmatullaeva Dilafruzkhon Shukhratovna

Structural-semantic and historical-functional study of the lexemes with the
sema “science and enlightenment”45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАХМАТУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗХОН ШУХРАТОВНА

«ИЛМ-МАЪРИФАТ» СЕМАЛИ ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ВА ТАРИХИЙ-ФУНКЦИОНАЛ
ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.3.PhD/Fil1330 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шаҳобитдинова Шохиди Ҳошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Усмонова Ҳуриниса Шараповна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи таъкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "22 XII соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.ru.)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (95-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-02

Диссертация автореферати 2020 йил "10" XII кuni тарқатилди.
(2020 йил "___" ___ да 16 - рақамли респстр баённомаси).



А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

И.Ҳожалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лексеманинг лисоний белгиларини турли хил аспектларда мукамал тадқиқ этиш алоҳида йўналишлардан бирини ташкил этади. Луғавий бирликларнинг мақомини белгилашда уларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиш, бу бирликларнинг функционал-тарихий тараққиётини ёритиш, уларнинг нутқий-синтагматик ва ассоциатив-психологик жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида луғавий бирликларнинг лексик макросистемадаги, умуман, тил системасидаги мақомини белгилаш, шакл ва мазмун хусусиятига эга бўлган икки томонлама моҳият касб этувчи лисоний бирликларга ономаσιологик нуқтаи назардан ёндашиш, ижтимоий, сиёсий, маданий, соҳавий тушунчаларни семантик асосда ўрганиш, лексик сатҳнинг типологик таснифини амалга ошириш ҳамда уларнинг инсон руҳиятига боғлиқ равишда руҳий-психологик хусусиятларини мукамал тадқиқ этиш бугунги куннинг зарурий масалаларидан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг бир қатор соҳаларига мансуб маъновий бирликларни тадқиқ этиш юзасидан катта кўламда ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам ўзбек тили лексикасини муайян мазмуний умумлашмалар асосида яхлит система сифатида ўрганиш, ҳар қайси мазмуний гуруҳнинг функционал ва миллий-маданий хусусиятларини изчил ўрганишга эҳтиёж катта. “Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”¹. Ҳақиқатан, ҳозирги кунда юртимизда илм-маърифат соҳасига, жумладан, таълимда етук кадрлар тайёрлаш масаласига эътиборнинг кучайиши натижасида мактабгача таълимдан олий ўқув юртидан кейинги босқичга қадар изчил равишда бу жараён тубдан янгиланмоқда. Табиийки, ҳар қандай амалий натижалар муайян тушунчаларнинг моҳиятини чуқур ўрганиш, тўлақонли англашдан бошланади. Ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликларни мазмуний асосда тадқиқ этиш ана шу йўлдаги изланишлардан биридир. “Илм-маърифат” семали лексемаларни уларнинг ички мазмуний бўлинишлари, тарихий-функционал ва синтагматик хусусиятлари билан алоқадорликда ўрганиш бугунги кунда тилшуносликнинг муҳим масаласига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020 йил, 25 январь. 19-сон.

сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сон Қарори ҳамда бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида, жумладан, ўзбек тилшунослигида лисоний бирликларни системавий асосда ўрганиш, ҳар қайси бирликнинг тил системасидаги ўрни ва нутқ жараёнидаги турлича вариантларини аниқлаш борасида бир қатор тадқиқотлар майдонга келган¹. Шу кунга қадар муайян бирликларнинг бир мазмуний парадигмада тутган ўрни, айтиш вақтида, уларнинг турли нутқ услубларида намоён бўлиши билан бирга, мазкур лисоний бирликларнинг тил тараққиёти билан боғлиқ тарзда тарихий-функционал хусусиятларини ёритиш масаласи етарлича ўрганилмаган эди. Хусусан, “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг услубий-семантик ва тарихий-функционал асосда тадқиқ этиш ҳам монографик нуқтаи назардан кун тартибига қўйилмаган эди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Кўкон давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Тилни систем-структур ва функционал асосда тадқиқ этиш» йўналиши доирасида бажарилган.

¹ Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва: Высшая школа, 1982; Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: Просвещение, 1976; Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990; Неъматов О., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. – Тошкент: Universitet, 2006; Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Тошкент: Фан, 2008; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент: Фан, 1989; Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фанл. докт....дисс. автореф. Тошкент, 1999; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Тошкент: Маънавият. – 2004; Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фанл. докт.... дисс. автореф. Тошкент, 2007; Неъматова Г.Х. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланилиши: Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: Филол. фанл. номз....дисс. автореф. Фарғона, 2004; Курбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанл. номз....дисс. автореф. Тошкент, 2007 ва б.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликларни структур-семантик ва тарихий-функционал асосда тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тили лексик системасида “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг ўрнини илмий асослаш;

“илм-маърифат” семали лексемаларни яхлит парадигмага жойлаштириш ва ҳар қайси семантик гуруҳнинг ички тузилишини лисоний асосда таҳлил этиш;

“илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг нутқий жараёндаги синтагматик муносабатлари, валентлиги ва ассоциатив хусусиятларини очиб бериш;

“илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг халқ мақоллари таркибидаги ўрнини кўрсатиш;

“Девону луғати-т-турк” ва “Қутадғу билиг”да қўлланилган “илм-маърифат” семали лексемаларни аниқлаш ҳамда уларнинг функционал жиҳатлари, тарихий тараққиётини ёритиш;

ўзбек маърифатпарвар намояндаларининг асарларидаги илм-маърифатга доир тушунчаларнинг моҳиятини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбек тилидаги «илм-маърифат» семали луғавий бирликлар тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади. “Девону луғати-т-турк”, “Қутадғу билиг” ва ўзбек жадиличлик ҳаракати намояндалари асарлари ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги «илм-маърифат» семали луғавий бирликларнинг структур-семантик ва тарихий-функционал таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг методологик асосини жамиятнинг доимий тараққиётда эканлигини акс эттирувчи фалсафий қарашлар, билиш назарияси ҳақидаги тушунчалар ташкил этади. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, зидлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал таҳлил, семантик-стилистик ва социолингвистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

“илм-маърифат” семали сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий соҳага оид лексемаларнинг истиқлол йилларидаги қўлланилиш даражаси асосланган;

“илм-маърифат” семали шахс, предмет, белги ва жараён номларини англатувчи луғавий бирликларнинг структур-семантик белгилари аниқланган;

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида қўлланилган илм-маърифатга оид тушунчалар номларининг функционал-услубий хусусиятлари далилланган;

жадидчилик ҳаракати намояндалари асарларидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг мазмуний, диахрон ва меъёрий асослари ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилидаги «илм-маърифат» семали луғавий бирликларнинг услубий-семантик ва тарихий-функционал тадқиқи амалга оширилиши натижасида олинган хулосалар ўзбек тили тарихи, семасиология соҳаларини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, услубшунослик ва соҳавий лексик системага доир тадқиқотлар яратишда хизмат қилиши асосланган;

луғат таркибидаги илм, таълим ва маърифатга доир тушунчалар номларининг услубий-семантик, тарихий-функционал хусусиятларига оид натижалар ўзбек тилшунослиги, лексикология соҳаси учун муҳим назарий қарашларнинг шаклланишига асос бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, компонент, семантик таҳлил каби усуллар билан асослангани, «илм-маърифат» семали луғавий бирликларни изоҳлашда ўзбек тилининг изоҳли луғатларига таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижалари ўзбек тили семасиологияси, миллий луғатчилигимиз, лингвопоэтика ва соҳавий лексик системанинг тараққий этишида, уни илмий-назарий тавсиялар билан бойитишда муҳим назарий манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти семасиология, ўзбек тили тарихи, услубшунослик фанларига доир муаммоларни ҳал этилиши, соҳа луғатлари яратилиши, лексикология бўлимини ривожлантирилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги «илм-маърифат» семали луғавий бирликларнинг структур-семантик ва функционал-тарихий тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек тилидаги «илм-маърифат» семали тушунчаларнинг семантик ва антропоцентрик таҳлиliga доир назарий қарашлар, амалий тавсиялардан ХТ-Ф2-013 рақамли «Умумий ўрта таълим мактаблари амалий психологлари фаолиятини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 80-03-3821-сон маълумотномаси). Натижада умумтил материалларидан тўғри ва самарали фойдаланишга эришилган, зарур ўринларда уларнинг ўзбекча муқобилига алмаштиришда хизмат қилган;

RUECVET: “Пилотирование Европейской системы перевода зачетных единиц (кредитов) для профессионального образования и обучения (ECVET) в национальных системах профессионального образования и обучения России и Узбекистана” (2016-2019) мавзусидаги 574097-EPP-1-2016-1-CY-EPPKA2-SVNE-JP рақамли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 80-03-3821-сон

маълумотномаси). Натижада ўзбек тили ва адабиёти ҳамда педагогика-психология таълим йўналишларида тил назарияси, тилшуносликка кириш, қиёсий тилшунослик соҳасини ўқитишда самарадорлиги ошган;

“Ўзбекистон” телерадиоканалининг эшиттиришлари, телекўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда унумли фойдаланилган (“Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2020 йил 12 октябрдаги 04-25-944-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатувлар материалларининг таъсирчанлиги, ранг-баранглиги ортган, мазмунан мукаммаллашиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 6 та, 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 13 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 132 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликлар парадигмаси**» деб номланган бўлиб, унда ўзбек тилидаги луғавий бирликларни тадқиқ этиш масалалари ҳамда “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг ички таснифи хусусида сўз юритилади.

Жаҳон тилшунослигида XIX асрдан бошлаб тил қурилиши, тил сатҳлари, улар ўртасидаги турлича лисоний муносабатлар тадқиқига катта эътибор қаратилди. Ф.де Соссюр томонидан илгари сурилган илмий назария кейинчалик Ю.Степанов, В.Солнцев, Т.Ломтев, Л. Васильев, Л.Новиковлар тадқиқотлари билан ривожлантирилиб, такомиллаштирилди, мазкур назария ўзбек илмий тилшунослигида И.Қўчқортоев, Ш.Раҳматуллаев, А.Нурмонов,

Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, А.Собиров, Ш.Искандарова, М.Абдиев, С.Муҳамедова ва уларнинг издошлари фаолияти орқали давом этди¹.

Бизга маълумки, структур тилшуносликда лексик-семантик парадигмалар марказида турувчи лисоний воситалар ўртасидаги парадигматик, синтагматик, иерархик, гипо-гиперонимик, градуонимик, иерархонимик сингари муносабатлар муаммоси муҳим ўрин тутади. XX асрнинг охирига қадар тилга мунтазам алоқадорликдаги элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган яхлит система сифатида қаралиб, лексеманинг лисоний белгиларини турли хил аспектларда мукамал тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигининг алоҳида йўналишларидан бирини ташкил этди. Бу борада қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам ўзбек тили лексикасини муайян мазмуний умумлашмалар асосида яхлит система сифатида ўрганиш, ҳар қайси мазмуний гуруҳнинг функционал ва миллий-маданий хусусиятларини изчил ўрганишга эҳтиёж катта.

Профессор Ш.Шахабитдинова умумийлик-хусусийлик диалектикаси ва унинг тилда акс этиши борасида сўз юритар экан, унинг уч муҳим белгисини ажратади². Тил бирликларининг нутқ жараёнида реаллашуви натижасида ҳар қайси лисоний бирлик воқеланар экан, унинг бевосита кузатишда намоён бўлиш шакли муайян функционал услуб билан узвий алоқадор бўлади. Бошқача айтганда, нутқ жараёнида лисоний бирликлар ҳар қайси матннинг ўзига хос талаби, меъёрлари асосида воқеланади. Ўзбек тили луғат таркибидаги “илм-маърифат” семали бирликлар ҳам турлича функционал услуб, турлича матнлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади. Таъкидланганидек, бу гуруҳга мансуб лексемаларни ҳозирги кун талаблари асосида таҳлил этиш мазкур йўналишдаги тадқиқотларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбек тилидаги сўзларнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари борасида илмий тадқиқот олиб борган И.Мадраҳимовнинг қайд этишича, “сўз луғат ва грамматиканинг асосий бирлиги сифатида ҳар бир тилшунос олдига ўз табиатини имкони борида тўлиқ ва зиддиятсиз талқин этиш вазифасини қўяди. Бу эса сўзларга хос бўлган айнанлик, ўхшашли ва фарқларни аниқлаш, уларни тасниф этиш ҳамда гуруҳлаш орқалигина амалга оширилиши мумкин”³. Ўзбек тили лексик системасида илм-маърифат, таълим билан боғлиқ тушунчаларни англлатувчи турли сатҳга мансуб қатор

¹ Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва: Высшая школа, 1982; Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990; Васильев Л.М. Семантика русского глагола. М.: ВШ, 1981; <http://google.com/wiki-dict/metaphore/>; Wikipedia: linguistics scholars: http://google.com/idea_en_langue/; Wikipedia lug'ati/Semantics/; http://wikisearch/tilni_maydon_jihatidan_tadqiq_etish/; Неъматов О., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. – Тошкент: Universitet, 2006; Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Тошкент: Фан, 2008; Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили(Самарқанд вилояти касб-хунарлари материаллари асосида): Филол. фанл. докт.... дисс. автореф. Тошкент, 2005 ва бошқалар.

² Шахабитдинова Ш.Х. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: Филол. фанл. докт....дисс. автореф. Тошкент, 2001. – Б.6.

³ Мадраҳимов И.С. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 1994. – Б.3.

лингвистик бирликлар бўлиб, бу тушунчаларни англатувчи бирликларни семантик-структур таҳлил этиш ўзига хос самара беради. Чунки бу лисоний бирликлар истемол даражаси, қўлланилиши нуқтаи назаридан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида биз билан ёнма-ён. *Илм, маърифат* лексемаларини бири-биридан фарқлайдиган асосий семалар “ўқиш-ўрганиш”, “билим”, “кўникма”, “маълумот”, “фан”, “малака”(илм); “фаолият”, “диний мақом”(маърифат) бўлса-да, уларнинг аслий томони, яъни араб тилидаги луғавий маъноси билим, фан тушунчаларини англатиши билан уйғунлашади. Шунга кўра, бу лексемалар ва улар билан боғлиқ тушунчаларни “илм-маърифат” семали бирликлар сифатида узвий ҳолда таҳлил этиш ўринли.

Ҳозирги кунда таълим, илм, маънавият соҳасида бир қатор янги тушунчалар ва бу тушунчаларни ифодаловчи янги атамалар ҳам пайдо бўлдики, бу атамалар “илм-маърифат” семали луғавий бирликлар системасида муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбек тилида илм, таълим, маърифат билан боғлиқ бўлган қатор лексемалар мавжуд бўлиб, улар турли семаларга эга эканлиги билан фарқланади. Турли бадий, илмий, публицистик манбаларда илм-маърифат билан боғлиқ лексемалар, синтактик қурилмалар кўп учрайди. Хусусан, бундай гуруҳга мансуб лексемаларни бир неча ички бўлинишлар орқали ажратиш мумкин: 1) илм-маърифат билан боғлиқ умумий тушунчалар номлари; 2) шахс номлари; 3) жой номлари; 4) нарса-предмет номлари; 5) белги ифодаловчи номлар; 6) ҳаракат ифодаловчи сўзлар ва бошқалар.

Илм-маърифат билан боғлиқ шахс номлари сирасига кирувчи лексемалар ўз ичида яна бир қатор ички бўлинишларга эга бўлиб, масалан, илм-маърифатга тегишли умумий шахс номлари: *аллома, жадид, зиёли, интеллигент, ижодкор, уста, ходим, эксперт, устоз(устод), маърифатпарвар, маорифчи, котиб(а), новатор, мураббий, оратор, мутафаккир, мунаққид* сингариларни киритиш мумкин. Жумладан, таълимга боғлиқ номлар: *абитуриент, амалиётчи, битирувчи, домла(домулла), директор, декан, етакчи, ўқувчи, ўқитувчи, тингловчи(тўғарак, малака ошириш курси), талаба, курсдош* каби; илмга боғлиқ шахс номлари: *академик, аллома, олим(а), арбоб, аспирант, докторант, диссертант, гений, донишманд, доно, докторант, доктор(DSc), даража, ҳаммуаллиф, тақризчи, оппонент, профессор, тадқиқотчи, номзод* кабилар. Берилган лексемалар орасида *доктор* сўзи, бир томондан, шифокор маъносини, иккинчи томондан, юқори илмий даража соҳиби маъносини, яъни фан доктори маъносини англатади. Бу ерда иккинчи маъноси билан гуруҳга киритилмоқда.

Диссертацияда илм-маърифат билан боғлиқ жой номлари; нарса-предмет ёки тушунчалар номлари; жараён ифодаловчи номлар; белги ифодаловчи номлар; ҳаракат ифодаловчи номлар атрофлича таҳлил қилинади. Ўзбек тили луғат таркибидаги фаол қатламни ташкил этган “илм-маърифат” семали луғавий бирликлар “шахс”, “белги”, “жараён”, “ҳаракат”

сингари маълум фарқловчи семалари асосида бир қатор ички гуруҳларга ажратилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг услубий-синтактик хусусиятлари” деб номланади. Бу бобда “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг валентлиги, ассоциативлиги ва услубий хусусиятлари борасида фикр юритилади.

Ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг семантик-структур таҳлилида валентлик муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар қандай лисоний бирликнинг валентлиги орқали унинг маълум синтактик ва семантик структураси тўлдирилади. Бу, айниқса, феъллар доирасида кенг кузатилади. Ўзбек тилшунослигида валентлик, унинг ўзига хос хусусиятлари, турлари хусусида бир қатор монографик тадқиқотлар мавжуд¹.

Бизга маълумки, фаол валентлик аксарият ҳолларда феъл туркумидаги ҳаракат ва ҳолат англатувчи бирликларда кузатилади. Шу билан бирга баъзан номловчи бирликлардан – от, от ўрнидаги олмошларда ҳам учрайди. “Илм-маърифат” семали лексемалар мутаносиб ҳолда феъл ёки от предикат вазибаларида келиши, ана шу асосда уларнинг фаол ва нофаол, облигатор ва факультатив валентликлари тўлдирилиши мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликлар ёрдамида феълларнинг субъект, объект, белги, пайт, миқдор валентликлари; отларнинг белги, миқдор, ўрин валентликлари тўлдирилиши кузатилади. Масалан, *Ўша пайтдаёқ шогирди бор ҳақиқатни таг-тубигача англаб етган эди* гапида *англаб етмоқ* феъл предикатининг қуйидаги валентликлари тўлдирилган:

субъект валентлиги: *шогирди англаб етган эди*

объект валентлиги: *бор ҳақиқатни англаб етган эди*

белги валентлиги: *таг-тубигача англаб етган эди*

пайт валентлиги: *ўша пайтдаёқ англаб етган эди*

Бу гапдаги объект валентлигини тўлдираётган *бор ҳақиқатни* бирикмаси таркибидаги *бор* лексемаси гапдаги *ҳақиқатни* сўзининг белги ва миқдор (ҳаммаси) валентликларига ҳам ишора қилган. Шунингдек, *буюк аллома, машҳур шоир, таниқли ёзувчи, истеъдодли талаба* бирикмаларида “шахс” семали лексемаларнинг белги валентликлари; *илмий даража, академик даража, олий маълумот, ўрта маълумот* бирикмаларида мавҳум “предмет” семали лексемаларнинг белги валентликлари; *бошланғич мактаб, ўрта*

¹ Кучкартаев И.К. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ): Автореф.дисс.... д-ра филол.наук. Ташкент, 1978; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент: Фан, 1989; Акрамов Ш. Гап бўлақларининг [WРm] қолипли валентлик аспектидаги талқини. Қўқон, 2018; Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол.фанл.докт.... дисс.автореф. Тошкент, 2007; Миртожиев М.М., Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида сўз валентликлари. Тошкент: 2011; Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари: Филол.фанл.номз.... дисс.автореф. Тошкент, 1996; Акрамов Ш.Т. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([WРm] валентлиги аспектида): Филол.фанл.номз.... дисс.автореф. Тошкент, 1997; Каримжоновна В.А. Ўзбек тилида ўрин келишкли бирикмалар семантикаси: Филол.фанл.номз.... дисс.автореф. Тошкент, 1994 ва бошқалар.

мактаб, олий даргоҳ бирикмаларида “таълим” ва “жой” семали лексемаларнинг белги валентликлари тўлдирилиши жуда кўп кўзга ташланади.

Бугина эмас, ёзувчи бу адиблар ижоди моҳиятини чуқур англаб етган, уларнинг айрим асарлари хусусида теран фикр-мулоҳазалар билдирган (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, Абдулла Қодирий). Ушбу гапда “шахс” семали *ёзувчи, адиб*; “нарса” семали *ижод, асар, моҳият, фикр, мулоҳаза*; “ҳаракат” семали *англаб етмоқ, билдирмоқ*; “белги” марказий семали, “илм-маърифат” чегара семасига эга бўлган *чуқур, теран* каби қатор луғавий бирликлар иштирок этган.

Кўринадики, биз таҳлил этаётган семантик гуруҳга тегишли лисоний бирликлар предикат (*англаб етмоқ, билдирмоқ*) ҳам, унинг аргументлари (*ёзувчи, адиб; ижод, асар, моҳият, фикр, мулоҳаза; чуқур, теран*) ҳам бўлиб келган. Ушбу гапда *англаб етмоқ* предикатининг субъект валентлиги эга вазифасидаги *ёзувчи* сўзи орқали; объект валентлиги тўлдирувчи вазифасидаги *моҳиятини* сўзи орқали; белги валентлиги ҳол вазифасидаги *чуқур* лексемаси орқали тўлдирилган. Шу билан бирга, *билдирмоқ* предикатининг субъект валентлиги *ёзувчи* сўзи воситасида; объект валентлиги *фикр-мулоҳазалар* бирикмаси воситасида тўлдирилган. Иккинчи томондан эса, *фикр-мулоҳазалар* бирикмасининг белги валентлиги *теран* лексемаси орқали тўлдирилмоқда. Демак, “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг от валентлиги ҳақида ҳам бемалол фикр юритишимиз мумкин бўлади.

Буюк тилшунос Ф.Соссюр лисоний муносабатлар хусусида фикр юритиб, тил системасидаги ассоциатив (яъни парадигматик) ва нутқ жараёнидаги синтагматик муносабатларни алоҳида изоҳлаб берган эди. Олим ассоциатив муносабат талқини остида парадигматик муносабатларни кўрсатади. Кейинги илмий тадқиқотларда парадигматик ва ассоциатив муносабатлар ўзаро фарқланади¹.

Ўтган асрнинг иккинчи чорагида тилни шахс тасаввури, идроки билан узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш масаласи тилшуносликда кун тартибига кўйилди. Бунинг натижасида тилшунослар эътиборини тил ва тил эгаси муносабатлари ўзига тортди. Бу эса, ўз навбатида, нутқ ва унинг яратилиши, идрок қилиниши каби муаммоларга бўлган қизиқишнинг ортишига олиб келди. Айни вақтда, белги билан ундан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатни ўрганишнинг янги таҳлил усуллари майдонга келди².

¹ Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Москва: Наука, 1977; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва: Высшая школа, 1982 ва бошқалар.

² Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол.фанл.д-ри.... дисс.автор. Тошкент, 2001; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилида бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: : Филол.фанл.д-ри.... дисс.автор. Тошкент, 2015; Рустамов Д. Лексемалар миллий-маданий хосланган семемасининг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фанл. бўй. фалс. докт. дисс. автор. – Фарғона, 2018; Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: Филол. фанл. бўй. фалс. докт. дисс. автор. – Фарғона, 2018; Насруллаева Г.С. Антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти: Филол. фанл. бўй. фалс. доктори.... дисс. автор. Фарғона, 2019 ва бошқалар.

Жумладан, ўзбек тилшунослигида А.Нурмоновнинг айрим мақолаларида парадигматик, синтагматик муносабатлар билан ассоциатив муносабатлар ўртасидаги узвий боғлиқлик, Д.Лутфуллаеванинг монографияси ассоциатив муносабатлар ва ассоциатив майдонлар хусусидаги муаммоларга, Н.Ҳошимованинг диссертацияси “санъат” архисемали ассоциатив майдон талқинига, У.Йигиталиевнинг тадқиқоти одам ва жинс концептининг тилда намоён бўлиши масалаларига қаратилган¹.

Ўзбек тили луғавий бирликлари доирасида “илм-маърифат” семали лексемаларнинг ассоциатив муносабатлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бундай муносабатлар кишининг психологик тасаввури, хотираси, оламни қай йўсинда идрок қилиши билан бирга, маълум ҳаётий жараёнлар, тажрибалар билан ҳам боғланади.

Тадқиқот жараёнида “илм-маърифат” семали айрим луғавий бирликлар асосида маълум тажрибалар ўтказилди. Стимул (ассоциат) сифатида *институт, илм, китоб, қалам, талаба, ўқитувчи, олим, имтиҳон* каби сўзлар олинди. Тажрибалар жараёнида *институт* сўзи билан мантиқий алоқадорликда энг кўп ҳолда *олий даргоҳ, талаба, маъруза, ўқитувчи, кафедра, факультет, декан* сингари бирликлар учради. Шунингдек, *синов, тест, оралиқ баҳо, жорий, якуний баҳо, дарс жадвали, имтиҳон, қайднома, рейтинг* кабилар ҳам айримларида намоён бўлди. Кам ҳолларда *АРМ (ахборот-ресурс маркази), слайд, проектор, ректор, ижара, амалий машгулот, ТТЖ (талабалар турар жойи), ётоқхона, йигилиш, мақола* сингарилар ҳам кўзга ташланди.

Биз тажрибалар ўтказиш жараёнида иштирокчиларнинг ёши, жинси, лавозими, умуман, жамиятда тутган мавқеи масаласига ҳам эътибор қаратганимизда, ранг-баранг манзаралар намоён бўлди. Хусусан, *институт* сўзи мисолида:

Абитуриентлар жавобида *тест, мандат, балл, грант, контракт(шартнома), ўқув биноси, замонавий хоналар, талабалар, устозлар, курсдошлар, доска, компьютер, қўнғироқ, танаффус, дарслар* сингари бирликлар жуда кўп учради.

Талабалар жавобларида эса *дарс жадвали, вазифа, реферат, мустақил иш, тест, ўқитувчи, декан, мураббий, маъруза, стипендия, танаффус* кабилар гавдаланди.

Юқоридаги масалага аниқлик киритиш мақсадида ўтказилган тажрибалар жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг ёши, жинси, тажрибаси, лавозими, касбий фаолият тури билан боғлиқ жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Хусусан, бундай гуруҳлашда асосий фарқланишлар профессор-ўқитувчиларнинг касбий фаолияти, лавозимида кузатилди.

¹ Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. III жилд. Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б.98-99; Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. Тошкент: MERIYUS, 2017; Хошимова Н.А. Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар: : Филол. фанл. бўй. фалс .докт. дисс. автореф. – Фарғона, 2018; Йигиталиев У.С. Ўзбек тилида “одам” ва “жинс” концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликлар: Филол.фанл.бўй.фалс.доктори.... дисс.автореф. Тошкент, 2020.

Диссертацияда тажрибалар орқали аниқланган мазкур фарқланишлар кенг ёритилган.

Бир-бири билан ассоциатив боғланган лисоний бирликлар стимул сўзга маълум жиҳатлари билан иккинчи, ёки учинчи боғлиқ тушунчага мантиқан яқинлаштира, айрим ҳолларда иккинчи ассоциатив боғланишдаёқ улар ўртасида тамоман узилишлар пайдо бўлади. Баъзан маълум матнларда қўлланилган сўз бирикмалари мантиқан боғлиқ, ўзаро ассоциатив жамланган шаклларда ҳам учрайди. Буюк сўз зарғари шоир Э.Воҳидовнинг асарлари мисолида, “илм-маърифат” семали бирликлар орқали бу фикрни далиллашимиз мумкин:

*Оқ қоғозим, сенга Эркин,
Очди пинҳон ишқини,
Сен бору мен бор, қалам бор,
Ўртада бегона йўқ (Э.Воҳидов, Ўртада бегона йўқ).*

Берилган сатрларда шоир шеърят билан боғлиқ тушунчалар номларини ифодаловчи луғавий бирликлардан ўринли фойдаланган ҳолда, мантиқий-ассоциатив боғланган сўзлар тизимини ниҳоятда маҳорат билан жойлаштирган: *қоғоз – мен*(шоир – Д.Р.) – *қалам* учлиги. Бу ерда қоғозга *сен* деб мурожаат қилаётган шоирнинг “мен”и ва қалам ўртасидаги мантиқий боғлиқлик кузатиляпти.

Тилшуносликда муайян лисоний бирликларнинг нутқ жараёнида намоён бўлиши, уларнинг услубий имкониятлари таҳлилига қаратилган бир қатор ишлар мавжуд бўлиб, бу тадқиқотлар нутқ услубларининг шаклланиш ва тараққиёт омилларини ёритиш, ҳар қайси нутқ услубининг ўзига хос белгиларини аниқлаш, маълум бир тарихий давр, алоҳида ижодкор томонидан яратилган бадий манбаларининг луғавий-услубий жиҳатларини очиб бериш, муайян нутқ типларининг нутқ услубларидаги кўринишларини ўрганиш, сўз туркумларининг функционал-стилистик хусусиятларини аниқлаш, бадий асарлар тилининг маъновий-услубий жиҳатларини ёритиш билан боғлиқ равишда олиб борилди.

Ўзбек тили лексик системасида “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг услубий хусусиятлари борасида фикр юритилганда, уларнинг бу жиҳатдан турлича функционал табиатга эга эканлигини кузатиш мумкин. “Илм-маърифат” семали луғавий бирликлар орасида “шахс” архисемали бирликлар ўзига хос услубий мақсадларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, *уста* сўзининг луғатдаги маънолари орасида сўзнинг иккинчи маъноси, яъни “маълум касб ёки ҳунарни эгаллашга ўргатувчи шахс; раҳбар, устоз”¹ маъноси мазкур сўзнинг “шахс”, “устоз”, “ўргатувчи” семалари орқали таҳлил этилаётган гуруҳ таркибига олиб киради. Мазкур сўзнинг сўзлашув услубидаги гавдаланиши сўзловчининг субъектив мақсадига маълум даражада боғлиқ бўлади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2008. – Б.300.

Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовнинг “Ўчирғич” шеърдан олинган куйидаги мисраларда қалам сўзининг функционал-услубий хусусиятлари яққол намоён бўлади:

Шеърятнинг тимсоли қалам,

У ҳақда-ку шеърлар беҳисоб (Э.Воҳидов, Ўчирғич).

Берилган мисраларда қалам лексемасининг “ёзиш, ижод қилиш қуроли” маъноси етакчилик қиляпти. Шоир “қурол”, “ижод қилиш қуроли” маънолари билан бир қаторда, қаламни тимсол (*шеърятнинг тимсоли*) даражасига ҳам кўтаряпти.

Халқимиз орасида *Сўз кўрки – мақол, Мақол – ақл маҳсули* сингари мақоллар ҳам аслида мақолларнинг тарбияловчи характерга эга эканлиги, уларнинг халқ хазинасининг ноёб дурдоналари сифатида баҳоланишидан далолат беради. Ана шундай бебаҳо меросимизни чуқур ўрганиш, унда қўлланилган ҳар қайси сўзнинг мазмун-моҳияти, функционал табиатини батафсил ёритиш ҳам жуда муҳим. Шу нуқтаи назардан, диссертацияда танланган бирликлар мисолида халқ мақоллари ҳақидаги фикрлар ҳам баён этилади.

Олим бўлсанг олам сеники мақолида инсонни илм олишга чорлов берилган бўлиб, бу мақол “кишининг илм эгаллашга даъват этувчи, илмли одамнинг беқиёс имкониятларга, афзалликларга эга эканлигини”¹ таъкидлашга қаратилган. “Маънолар маҳзани” китобининг муаллифларининг келтириб ўтишича, бу мақолнинг бир неча вариантлари ҳам мавжуд: *Олимга ўлим йўқ; Олим айтгани – олам айтгани; Олим бузилса – олам бузилар* сингари. Демак, *олим* лексемаси маънолари таркибидаги “шахс”, “илмли”, “имконият эгаси” семалари мақолнинг мазмун-мундарижасини асослашга хизмат қилган.

Донога илм – илм, нодонга эсиз илм. Мақол матнида келтирилган *доно* лексемасининг “шахс”, “илмли”, “мулоҳазали”, “камтар” семалари, *нодон* лексемасининг эса “шахс”, “илмли”, “мулоҳазасиз”, “манман” семалари асос бўлган. Шу боис, фикр ифодасида зид маъноли сўзлар, қарама-қарши тушунчалар анча устунлик қилади. Антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи бўйича монографик тадқиқот олиб борган Р.Маджидова бундай мақоллар уларда инсоннинг тавсифланувчи объектнинг ижобийлиги/салбийлиги мезони асосида ижобий, салбий ҳамда ижобий/салбий баҳоларни ифодаловчи мақолларга ажратади².

Халқ мақолларининг таҳлилида уларга семантик-синтактик аспектда ёндашув мақол таркибидаги лексемаларнинг функционал қимматини белгилашда хизмат қилади. “Илм-маърифат” семали луғавий birlikлар иштирокидаги мақолларда уларнинг тарбиявий, маънавий-маърифий ўрнини алоҳида ҳисобга олиш муҳим.

¹ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.252.

² Маджидова Р.У. Антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида): Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. Фарғона, 2020. – Б.21.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг тарихий-функционал хусусиятлари” дейилади. Ушбу бобда дастлаб тарихий манбаларда қўлланилган илм-маърифатга оид лексемалар, хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутудғу билиг” ва Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарларида қўлланилган “илм-маърифат” семали луғавий бирликлар хусусида фикр юритилади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарини “турли фан нуқтасидан атрофлича чуқур ўрганиш фан тараққиёти тарихи соҳасида ҳануз ҳал бўлмаётган бир қатор жумбоқларни ечишга, кўпгина тортишувли масалаларни ҳал қилишга, баъзи бир мавҳум қарашларга аниқлик киритишга ва янгидан-янги хулосалар айтишга имконият беради”¹. Бу асар халқимизнинг узок тарихи, ўтмиши ҳақида баҳс юритадиган маънавият, маърифат, билим тўғрисидаги, туркий халқларнинг юксак маданиятидан дарак берувчи муҳим манба саналади. Достоннинг тил хусусиятлари борасида Қ.Каримов, Э.Фозилов, Қ.Содиқов, Ҳ.Дадабоев, Ф.Абдужабборовва, М.Холмурадова сингари кўплаб олимларнинг тадқиқотлари мавжуд бўлиб, уларда «Қутадғу билиг» асари, унинг лексик ва услубий хусусиятлари борасида кенг маълумотлар берилган².

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида, унинг номидан ҳам кўриниб турибдики, билим, панд-насихат, эзгулик, маърифатга даъват этувчи парчалар жуда кўп учрайди. Масалан:

Ўқуш ул юлатег қарангқу туни,

Билиг ул яруғлуғ ярутти сани.

Яъни:

Уқувдир чироғдек қоронғи туни,

Билимдир ёруғлик, ёригай сени³.

Берилган парчада *ўқуш*, *билиг* сингари лексик бирликлар ишлатилган бўлиб, билимнинг ёруғлик эканлиги, унинг худди чироқ каби қоронғи тунни ёритиши таъкидланади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида “илм-маърифат” семемали *билиг*, *билиглиг*, *ўқуш*, *билигсиз*, *билга* тарзидаги луғавий бирликларнинг барчаси ҳозирги ўзбек тилидаги семалари билан мувофиқ келади. Б.Абдушукуров “ақлсиз, ақлдан озган, телба” семасига эга *ўгсуз* сўзининг “Қутадғу билиг”да қўлланилганлигини таъкидлайди.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутудғу билиг(Саодатга йўлловчи билим). Тошкент: Фан, - 1972. - 5-бет

² Каримов К. Категория падежа в языке «Қутадғу билик». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, 1962; Содиқов Қ. XI – XIV аср уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. Филол. фан. док...дисс.–Тошкент, 1992.–Б.230; шу муаллиф. Туркий матннавислик тарихидан. Қадимги ёзма ёдгорликлар. –Тошкент: Ёзувчи, 2000; шу муаллиф. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент, 2006. Абдужаббаровва Ф. «Қутадғу билиг»даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика. Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2011; Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD)... дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Дадабоев Х. Қадимги ёзма ёдгорликларда ҳарбий лексика // Адабий мерос. 1980.

³ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутудғу билиг(Саодатга йўлловчи билим). Тошкент: Фан, - 1972. - 28-бет

Асарда фанларнинг таснифи, илм-маърифат соҳаси эгалари номлари, улар билан туташган тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ҳам келтириб ўтилган. Масалан:

Улардан бириси ўтачи турур,

Қамуз иғ, туғақа бу эмчи эрур,

Яъни:

Улардан бири бу **табиблар** турур,

Ҳама дард, касалларга ҳозик эрур¹.

Келтирилган парчада *ўтачи* (табиб) касб-кор номи, бу лексема билан мазмунан туташ бўлган *иғ* (дард), *туғақа* (касал), *эмчи* (ҳозик, даволовчи) сўзлари қўлланилган. Бу мисралар М.Холмуродова томонидан ҳам изоҳланар экан, тадқиқотчи ушбу дериватнинг соф туркий эканлиги, *даволамоқ* феълига шахс оти ясовчи қўшимча қўшилганлиги, бу сўз “Девону луғотит турк”да ҳам “даволовчи, табиб” маъносида қайд этилганлигини таъкидлайди².

